



„16 “ ОКТЯБРЬ 2017 й. г. № 829

Тошкент ш. – г. Ташкент

**2017 йил ҳосили пахта хомашёсининг харид нархларини
ошириш тўғрисида**

Давлат хариди учун етиштирилган пахта хомашёсини йиғиб-териб олишни жадаллаштириш, пахта етиштирувчи хўжаликларнинг молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш ҳамда пахта йиғим-теримида иштирок этаётган теримчиларнинг моддий манфаатдорлигини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда “Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг компаниясининг 2017 йил ҳосили:

пахта хомашёси харид нархларини 1-иловага мувофиқ;

машинада терилган пахта хомашёси харид нархларини 2-иловага мувофиқ миқдорда ошириш;

2017 йил 17 октябрдан бошлаб қўлда терилган пахта хомашёсининг 1 килограмми учун 700 сўмдан ҳақ тўлаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг компанияси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари билан биргаликда икки кун муддатда пахта етиштирувчи фермер хўжаликларига пахта хомашёсининг янги харид нархлари нархномаси етказилишини таъминласин.

3. Жиззах ва Сирдарё вилоятларидаги теримчиларни қўшимча равишда рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг махсус ҳисобварағида жамланган маблағлари ҳисобидан тўланаётган ҳар бир килограмм пахта хомашёси учун 100 сўм миқдоридagi устама 2017 йилнинг 17 октябридан бошлаб Тошкент вилояти ва Қашқадарё вилоятининг Миришкор, Нишон, Косон ва Касби туманларидаги теримчиларга нисбатан ҳам тадбиқ этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат хариди учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қишлоқ хўжалигини техника билан жиҳозлашни мақсадли молиялаштириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда Жамғарманинг 2017 йил учун тасдиқланган

даромадлари ва харажатлари балансининг ҳақиқий ижросидан келиб чиқиб, бир ой муддатда Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари балансига тегишли ўзгартиришлар киритиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

5. Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, “Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг компанияси, “Агробанк” акциядорлик тижорат банки ва бошқа тижорат банклари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари билан биргаликда пахта йиғим-теримида, пахта хомашёсини ташиш ва тайёрлашда банд бўлган ходимларнинг меҳнатига ўз вақтида ҳақ тўланишини таъминласинлар.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “2017 йил ҳосили пахта хомашёсининг харид нархлари тўғрисида” 2017 йил 14 сентябрдаги 723-сон қарорига 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ҳамда Бош вазирнинг ўринбосари – қишлоқ ва сув хўжалиги вазири З.Т. Мирзаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил " 16 " октябрдаги 829 - сон қарорига
1-илова

ПАХТА ХОМАШЁСИНИНГ ХАРИД НАРХЛАРИ

1 тоннага сўмда

Пахта хомашёсининг саноат навлари	Пахта хомашёсининг синфлари	Пахта толасининг типлари/кодлари								
		Узун толали пахта навлари					Ўрта толали пахта навлари			
		1a	1б	1	2	3	4	5		6
		43	42	41	40	39-38	37-36	35	34	33
I	1	3 352 570	3 064 640	2 920 570	2 570 930	2 324 080	2 084 930	2 056 790	2 030 110	2 005 290
	2	3 266 770	2 986 210	2 845 830	2 505 140	2 264 590	2 031 570	2 004 150	1 978 140	1 953 970
	3	2 614 020	2 389 520	2 277 200	2 004 570	1 812 100	1 625 640	1 603 700	1 582 880	1 563 540
II	1	3 064 510	2 801 320	2 669 630	2 350 030	2 124 380	1 905 790	1 880 060	1 855 670	1 832 990
	2	2 810 160	2 568 810	2 448 060	2 154 980	1 948 060	1 747 610	1 724 010	1 701 650	1 680 850
	3	2 583 380	2 361 520	2 250 500	1 981 070	1 790 860	1 606 580	1 584 890	1 564 330	1 545 210
III	1	2 684 510	2 453 960	2 338 600	2 058 630	1 860 970	1 669 470	1 646 940	1 625 560	1 605 700
	2	2 387 260	2 182 230	2 079 640	1 830 680	1 654 900	1 484 610	1 464 570	1 445 560	1 427 900
	3	1 688 540	1 543 530	1 470 970	1 294 870	1 170 540	1 050 090	1 035 910	1 022 470	1 009 980
IV	1	1 998 060	1 826 470	1 740 600	1 532 220	1 385 100	1 242 580	1 225 800	1 209 900	1 195 110
	2	1 550 640	1 417 460	1 350 830	1 189 120	1 074 940	964 330	951 310	938 970	927 490
	3	1 185 970	1 084 110	1 033 150	909 460	822 140	737 540	727 580	718 140	709 360
V	3	830 480	759 160	723 470	636 850	575 710	516 470	509 500	502 880	496 740

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил " 16 " октябрдаги 829 - сон қарорига
2-илова

МАШИНАДА ТЕРИЛГАН ПАХТА ХОМАШЁСИНИНГ ХАРИД НАРХЛАРИ

1 тоннага сўмда

Пахта хомашёсининг саноат навлари	Пахта толасининг типлари/кодлари								
	Узун толали пахта навлари					Ўрта толали пахта навлари			
	1a	1б	1	2	3	4	5		6
	43	42	41	40	39-38	37-36	35	34	33
I	3 077 790	2 813 460	2 681 200	2 360 210	2 133 590	1 914 050	1 888 210	1 863 710	1 840 930
II	2 819 350	2 577 220	2 456 060	2 162 030	1 954 430	1 753 330	1 729 650	1 707 220	1 686 350
III	2 253 440	2 059 910	1 963 070	1 728 060	1 562 140	1 401 390	1 382 470	1 364 530	1 347 860
IV	1 578 220	1 442 680	1 374 860	1 210 270	1 094 060	981 480	968 230	955 670	943 990
V	830 480	759 160	723 470	636 850	575 710	516 470	509 500	502 880	496740

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил “16” октябрдаги 829-сон қарорига
3-илова

**Вазирлар Маҳкамасининг “2017 йил ҳосили пахта хомашёсининг харид
нархлари тўғрисида” 2017 йил 14 сентябрдаги 723-сон қарорига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилари чиқариб ташлансин.
2. Қарорнинг рус тилидаги матнидаги 1 ва 2-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

